

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

2024 йил апрель ойининг 22 куни жиноят ишлари бўйича [REDACTED] шаҳар суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, шу суднинг судьяси [REDACTED] раислигида, судья ёрдамчиси [REDACTED]нинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси сифатида [REDACTED] шаҳар прокурорининг ёрдамчиси [REDACTED], жабрланувчи [REDACTED] видеоконференцалоқа орқали, жабрланувчи [REDACTED], судланувчилар [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси адвокат [REDACTED], судланувчилар [REDACTED], [REDACTED] ва [REDACTED]ларнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “б” банди билан айб эълон қилинган:

05.03.2002 йилда [REDACTED] шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, бўйдоқ, маълумоти ўрта, ишсиз, муқаддам судланмаган, [REDACTED] вилояти, [REDACTED] тумани, [REDACTED] МФЙ [REDACTED] кўчаси 24-уйда яшовчи, эҳтиёт чораси тариқасида “гаров” қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 14.03.2024 йилда олган, [REDACTED] га;

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “б” банди билан айб эълон қилинган:

05.01.2002 йилда [REDACTED] шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, бўйдоқ, маълумоти ўрта, ишсиз, муқаддам судланмаган, [REDACTED] вилояти, [REDACTED] тумани, [REDACTED] ФЙ, рақамсиз уйда яшовчи, эҳтиёт чораси тариқасида “шахсий кафиллик” қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 14.03.2024 йилда олган [REDACTED] га;

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “б” банди билан айб эълон қилинган:

05.07.2002 йилда [REDACTED] шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, бўйдоқ, маълумоти ўрта, “[REDACTED] т АЖ”га қарашли [REDACTED] МЧЖда ишчи, муқаддам судланмаган, [REDACTED] вилояти, [REDACTED] яшовчи, эҳтиёт чораси тариқасида “гаров” қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 14.03.2024 йилда олган [REDACTED] га;



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “б” банди билан айб эълон қилинган:

16.04.2002 йилда [REDACTED] шахрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, бўйдоқ, маълумоти ўрта, ишсиз, муқаддам судланмаган, [REDACTED] вилояти, [REDACTED]

яшовчи, эҳтиёт чораси тариқасида “шахсий кафиллик” қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 14.03.2024 йилда олган [REDACTED]

[REDACTED] га

оид [REDACTED] сонли жиноят ишини кўриб чиқиб суд, судланувчилар ва жабрланувчиларнинг кўрсатувларига ҳуқуқий баҳо бериб, жиноят иши ҳужжатларини тафтиш қилиб, тарафларнинг музокарасини, ҳамда судланувчиларнинг охириги сўзини тинглаб, қўйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи [REDACTED] 2023 йил 17 декабрь куни “ [REDACTED] АЖ”га қарашли [REDACTED] МЧЖда ишлаб келиб, сув олиб кетиш учун жабрланувчи [REDACTED] ишлайдиган “ [REDACTED] га [REDACTED] МЧЖдаги қоровулхонага кириб, [REDACTED] сув олиб кетиш учун идиш сўраган вақтида идиш камлигини айтиб, унга идиш бермаган. Шундан сўнг [REDACTED] соат 19:00ларда ишдан чиқиб, [REDACTED] ларни чақириб, [REDACTED] ишдан чиқишини кутиб турган. Шу куни соат 20:10 ларда [REDACTED] билан ишдан чиққан вақтида [REDACTED] шаҳар [REDACTED] маҳалласи ҳудудида жойлашган “ [REDACTED] ” МЧЖнинг назорат ўтказиш пункти яқинидаги автотураргоҳда [REDACTED] лар жамиятда юриш туриш қоидаларини қасддан менсимаган ҳолда бир гуруҳга бирлашиб, [REDACTED] сув олиб кетиш учун идиш бермагани ва унинг ёнида бўлган [REDACTED] и ҳеч бир сабабсиз уриб уларга қасддан тан жароҳати етказиб, безорилик жиноятини содир этган.

Судга оид тиббий экспертизанинг 2023 йил 23 декабрь кунидаги № [REDACTED]-сонли хулосасига кўра, [REDACTED] чап пешона соҳасида, юқори лаб шиллиқ қавати соҳасида қонталашлар, бурун камари ўнг ён томонида шилинма қандайдир ўтмас қаттиқ жисм ёки жисмлар гаъсирида етказилган бўлиб, бу жароҳатнинг етказилган вақти



тиббий хужжатга асосан тўғри келишлиги, ушбу тан жарохати давомийлиги олти кундан ортиқ бўлмаган, озгина тез ўтиб кетувчи оқибатли белгисига кўра, оғирлик даражаси бўйича соғлиқни қисқа вақтга бузилишига сабаб бўлмаган енгил тан жарохати сифатида бахоланишлиги аниқланган.

Судга оид тиббий экспертизанинг 2023 йил 23 декабрь кундаги № [REDACTED]-сонли хулосасига кўра, [REDACTED]нинг номига берилган тиббий маълумотномада қўйилган “Чап юз соҳаси, чап чакка соҳаси юмшоқ тўқималари лат ейиши” ташхиси субектив бўлиб, объектив ва морфологик белгилари (қонталаш, шилинма, яра ва хокозолар) асосланмаганлиги туфайли тан жарохатини бахолашни имкони бўлмаганлиги аниқланган.

Судланувчи [REDACTED] суд муҳокамасида унга эълон қилинган айбловга тўлиқ иқдор бўлиб, 2023 йил 17 декабрь кун тахминан соат 09:00ларда ишга бориб, хизмат вазифасини бажариб юрганини, ҳаво совуқ бўлганлиги учун хамкасблари билан бирга чой ичмоқчи бўлганлигини, соат 10:00ларда мазкур МЧЖда ишловчи қоровул бўлиб ишловчи [REDACTED] хизмат олиб бораётган буткага кирган [REDACTED] исмли фуқаро хам ўша ерда бўлганини, [REDACTED] унга чой ичиш учун бир маротабали идиш беришни сўраганини, ўша вақтда бутка ичида бир маротаба ишлатиш учун мўлжалланган 10-15 дона идишлар бўлганини, [REDACTED] унга “Бориб сув ич ёки эшикни орқа томонидан ёп” деб айтганини, шундан кейин у ташқарига чиққанини ва шу вақтда шамол бўлгани учун буткасининг эшиги шамолга қаттиқ ёпилиб кетганини, кейин [REDACTED] олдига чиқиб келиб, эшикни нега қаттиқ ёпдинг деб айтганлигини, ўша вақтда эшикни ушлагичи бўлмаганлиги учун қаттиқ ёпилганлигини айтганлигини, шу вақтда МЧЖнинг раҳбар ходими бўлиб ишловчи “[REDACTED]” исмли шахс келган вақтида, у унга бир маротабали идишларни бермаётганлигини айтган вақтида унга берганлигини ва у унга ушбу идишларни олиб берганлигини, кейин у одам ажратганлигини ва нима сабабдан унақа қилганлигини сўраган вақтида унга хар хил куракда турмайдиган сўзлар билан ҳақорат қилиб кетганлигини, шундан кейин у тушлик вақтида хам унга қилган ишлари нотўғри эканлигини айтган вақтида иш вақтида гаплашмаслигини ва кўчада гаплашиб олишлигини айтганлигини, кейин у шу кун тахминан соат 19:00ларда ишдан чиққанлигини ва ерда турганини, ўша кун танишлари [REDACTED]

[REDACTED] билан чойхонага бориши керак бўлганини, лекин уларга ишхонасида бўлган муаммо ҳақида хабар бермаганини, соат 20:00ларда [REDACTED] АЖдан [REDACTED] амкасблари билан биргаликда чиққанида уни олдига бориб гаплашиб олишлигини айтган вақтида, “нимани гаплашасан, сен билан нимани гаплашаман”



деб айтганлигини, шундан кейин у [REDACTED] билан ўзаро гап таллашиб жанжаллашиб қолганлигини, кейин қўллари билан унинг кўкрак қисмига итариб юборганлигини, шундан кейин уни ҳам қўллари билан тана қисмини турли жойларига урганлигини, шу вақтда танишлари [REDACTED], [REDACTED], [REDACTED] лар келиб қолишганини, уларни ажратганини, [REDACTED] унга ҳам тан жароҳати етказганини, тан жароҳати айтарли даражада бўлмагани учун шифохонага мурожаат қилмаганлиги, у [REDACTED] дан узоқлашганида [REDACTED] тош отишни бошлаганини, тошлардан бири унинг чап оёғининг болдир қисмига келиб теканлигини, ўша атрофда бўлган фуқаролар уларни ажратишганликлари, ўша вақтда у [REDACTED] билан жанжаллашганини, жанжал вақтида [REDACTED] ҳам унга яқин келгани учун унга ҳам қўли тегиб кетган бўлиши мумкинлигини, тергов вақтида кўрсатувларини ўқиб имзо чеканини, лекин нима сабабдан тергов даврида кечқурун ишхонасидан чиқиб, уйига бориб, [REDACTED], [REDACTED], [REDACTED] билан [REDACTED] инат олдиға қайтиб келгани ҳақида кўрсатма берганини изоҳлаб бера олмаслигини, у ерда [REDACTED] лардан бошқа танишлари бўлмаганини, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, унга енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Судланувчи [REDACTED] суд муҳокамасида айбига қисман иқрор бўлиб, у 2023 йил тахминан 17 декабрь куни уйда бўлган вақтда ўртоғи [REDACTED] унинг телефониға кўнғироқ қилганлигини ва шу куни улар [REDACTED] шаҳар худудида бўлган чойхонаға бормоқчи бўлишганликлари, ўша вақтда у унга кўнғироқ қилгандан кейин тахминан соат 19:30ларда ўртоғи [REDACTED] оқ рангли Нексия-2 русумли автомашинасида келганлигини ва унинг ушбу автомашинасиға у ўтирганлигини, шундан кейин у ва [REDACTED] ўртоғи “ [REDACTED] ” АЖнинг [REDACTED] МЧЖ худудиға кириш учун мўлжалланган назорат ўтказиш пунктини олдиға борганликлари, шу куни ўртоғи [REDACTED] қора рангли куртқада ишдан чиқиб келаётганлигини кўрганликлари, ўша вақтда у ўртоғи [REDACTED] билан биргалиқда турганлигини, шундан кейин кейинчалик билишича [REDACTED] исмли фуқаро билан ўртоғи [REDACTED] ўзаро тортишиб қолганлигини кўрганлигини, ўша вақтда у ўртоғи [REDACTED] ёнида бўлган [REDACTED] айнан қаерига урганлигини кўргани йўқлигини, лекин улар торитишиб турганликларини кўрганлигини, шу вақтда у ва [REDACTED] ўртоғи билан биргалиқда уларни бориб ажратганлигини, ўша вақтда назорат ўтказиш пункти томндан ўртоғи [REDACTED] ҳам улар томонға қараб югуриб келганлигини, шундан кейин улар ўртоғини айтомашинасиға у, [REDACTED] билан биргалиқда ўтириб кетганлигини ва шу куни улар чойхонаға бормаганлигини ва уйға кетганликлари, шу куни у ҳеч ким билан ўришмаганлигини ва жанжаллашмаганлигини, шу куни кимлар

Ҳужжат имзоланган: Закиров Фарход Абдуллаевич, 13.05.2024



уришганлигини ва кимлар бир-бирларига тан жарохати хам етказишганлигини билмаслигини, у ерда [REDACTED] ни ким урганини кўрмаганини, у ерда [REDACTED] ни бошқа танишлари бўлмаганини, у [REDACTED] урмаган бўлсада, кейинчалик узр сўраганини, ўша ерда бўлгани учун улардан узр сўраганини, лекин уларни урмаганини, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, унга енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Судланувчи [REDACTED] суд муҳокамасида айбига қисман иқдор бўлиб, у 2023 йил тахминан 17 декабрь куни тахминан соат 20:00ларда ишдан чиққан вақтида ушбу иш жойини олдида автотураргоҳда назорат ўтказиш пункти яқинида синфдоши [REDACTED] билан кейинчалик билишича [REDACTED] исмли фуқаро билан тортишиб турганлигини кўрганлигини, ўша вақтда у қора рангли қишки куртқада бўлганлигини, ўша вақтда у уларни олдиларига борган вақтида, синфдоши [REDACTED] ар ҳам уларни олдиларига келишганлигини ва уларни ажратганлигини, шундан кейин ўртоғи [REDACTED] бошқарувида бўлган оқ рангли давлат рақам белгиси ёдида бўлмаган “Нексия-2” русумли автомашинага ўтирғизиб олиб кетганлигини, ўша вақтда улар кимлар уришганлигини ва кимлар бир-бирларига тан жарохати етказганлигини кўрмаганликларини, у ерда [REDACTED] ким урганини кўрмаганини, нима сабабдан [REDACTED] айнан у ургани ҳақида кўрсатув бераётганини билмаслигини, у ерда [REDACTED] бошқа танишлари бўлмаганини, у [REDACTED] ва [REDACTED] урмаган бўлсада, кейинчалик узр сўраганини, ўша ерда бўлгани учун улардан узр сўраганини, лекин уларни урмаганини, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, унга енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Судланувчи [REDACTED] суд муҳокамасида айбига қисман иқдор бўлиб, у [REDACTED] шаҳар ҳудудида киракашлик ишлари билан шуғулланиб келишлигини, у 2023 йил 17 декабрь куни тахминан соат 20:00ларда у ва ўртоғи [REDACTED] билан биргаликда яна икки нафар ўртоқлари яни, [REDACTED] билан биргаликда чойхонага бормоқчи бўлганликлари, шу куни у ва [REDACTED] исмли ўртоғи унинг ижара асосида ишончнома асосида бошқарган автомашинасида тахминан соат 20:00ларда [REDACTED] шаҳар [REDACTED] АЖнинг ҳудудида жойлашган “ [REDACTED] ” МЧЖнинг кириш жойига ўртоқлари [REDACTED] ва [REDACTED] ларни олиб чойхонага бормоқчи бўлганлигини, шундан кейин улар тахминан соат 20:00ларда ўртоғи [REDACTED] АЖ олдида боришганини, у ерда [REDACTED] нинг кейинчалик билишича Умарбек билан тортишиб қолганлигини кўрганлигини, [REDACTED] нинг кийимларини тортганлигини ва юзига бир маротаба шапалоқлаб урганлигини, кейин улар ўзаро жанжаллашиб кетишганлигини, ўша вақтда улар



бирларини уриб тан жарохати етказишганлигини, кейин у ҳам уларни олдига бориб уларни ажратганлигини, ўша вақтда ўртоғи [REDACTED] ва [REDACTED] исмли фуқаролар бир-бирларини уриб тан жарохати етказмаган вақтларида ўртоғи [REDACTED], [REDACTED] р ҳам бор бўлганлигини, улар ҳам у сингари ажратишганлигини, ўша вақтда у уларни ажратганлигини ва ҳеч ким билан жанжаллашмаганлигини ва уриб ҳам тан жарохати ҳам етказмаганлигини, у ерда [REDACTED] ким урганини кўрмаганини, нима сабабдан тергов даврида қўли [REDACTED]нинг лабига тегиб кетгани ҳақида кўрсатма берганини изоҳлаб бера олмаслигини, у ерда [REDACTED] бошқа танишлари бўлмаганини, у [REDACTED] ва [REDACTED] лардан урмаган бўлсада, кейинчалик узр сўраганини, ўша ерда бўлгани учун улардан узр сўраганини, лекин уларни урмаганини, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, унга енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Жабрланувчи [REDACTED] суд муҳокамасида дастлабки терговда берган кўрсатмаларини тасдиқлашини, 2023 йил 17 декабрь куни “[REDACTED]”да ишда бўлган вақтида ўзига олдиндан таниш бўлган ҳамқишлоғи [REDACTED] тахминан соат 11:00ларда уни хизмат жойига келганлигини, келган вақтида у ўзига бириктирилган сендвич панелдан ясалган буткасида ўтирганлигини, шундан кейин улар ушбу буткада ўтирган вақтларида тахминан 05 дақиқа вақт ўтгандан кейин унга нотаниш бўлган кейинчалик билишича [REDACTED] улар ўтирган буткага кириб келганликлари, шундан кейин [REDACTED] унга 10 дона полиетилендан ишланган сув ичиш учун мўлжалланган идиш беришлигини ва ушбу идишларини ишлаётган жойларига танишларига 10 дона мазкур сув идишларидан олиб кетишлигини айтганлигини, шу вақтда у унга ўзига олишлигини ва улар ўзлари келишларини ҳамда 4 дона сув идишлар борлигини айтганлигини, кейин [REDACTED] ҳамкасбларига олиб кетишлигини айтганлигини, шундан кейин [REDACTED] улар ўтирган бутканинг эшигини қаттиқ ёпиб чиқиб кетганлигини, ортидан у ташқарига чиққанлигини ва жаҳл қилмаслигини айтганлигини, кейин у ўзаро гап талашиб кетишганлигини, шу вақтда ёнларида бўлган [REDACTED] уларни ажратганлигини ва тортишмаслигини айтганлигини, кейин [REDACTED] “Сен қаердасан” деб айтган вақтида, у Ўзбекистон Республикасидаман деб айтган вақтида “[REDACTED], ташқарига чиқсенг сўраволаман” деб айтганлигини, лекин ўша вақтда улар бир-бирлари билан уришмаганликлари ва тан жарохати етказмаганликлари, орадан тахминан 10-15 дақиқа вақт ўтиб, [REDACTED] ўзининг иш жойига кетганлигини, орадан вақт ўтиб, тахминан соат 20:00ларда [REDACTED] худудидан таниши [REDACTED] билан биргаликда ётоқхонага бориш учун чиққан вақтларида, тахминан соат 20:00ларда унга таниш бўлган



███ ва унга нотаниш бўлган тахминан 4-5 нафар йигитлар келишганликларини ва қўлларида тахтадан ишланган таёқлари билан келишганлигини билганлигини, ўша вақтда тахминан 3-4 нафар фуқаролар у билан гаплашиб олишларини айтиб, четга тортганлигини, ўша вақтда улар оқ рангли Нексия-2 русумли автомашинадан тушиб, уни олдига югуриб келишганликлари ва турли жойларига уриб биргаликда тан жарохати етказишганликлари, ўша вақтда таниши ███ уларни ажратмоқчи бўлган вақтида уни хам ушбу 3-4 нафар фуқаролар баданини турли жойларига қўллари билан уриб тан жарохати етказишганлигини, шундан кейин таниши ███ яқинда бўлган Миллий Гвардия ходимлари олдига югуриб кетганлигини ва чақириб келган вақтида хали хам улар уни уришаётган бўлишганини, кейин Миллий гвардия ходимлари томонидан мазкур холат видеотасвирга олаётганлигини билиб ушбу йигитлар қочиб кетишганлигини, шундан кейин улар ИИБ ходимларига ариза билан мурожаат қилганлигини, сўнг, у мазкур холат юзасидан ИИБ ходимлари судга чиқаришганлигини ва шундан кейин Жиноят ишлари бўйича ███ шаҳар судидан уларни тан жарохати олганлиги юзасидан хужжатлар Тергов бўлимига қонуний кўриб чиқиш учун юборилганлигини, тергов даврида у ерга ███ билан бирга келган йигитлар ███, ███ лар эканлигини билганини, уларнинг барчаси тергов даврида унинг олдига бориб кечирим сўрашганини, даволаниш харажатларини қоплаб беришганини, шу сабабли уларга нисбатан даъвоси йўқлигини, уларни жазодан озод қилишни сўрашини билдириб, кўрсатув берди.

Жабрланувчи ███ суд муҳокамасида дастлабки терговда берган кўрсатмаларини тасдиқлашини, у 2023 йил 17 декабрь куни "███"да ишда бўлган вақтида ўзига олдиндан таниш бўлган ███ ███ нинг хизмат жойига ўзининг ишлари юзасидан тахминан соат 11:00ларда борганини, борган вақтида ███ ўзига бириктирилган сендвич панелдан ясалган буткасида ўтирганлигини кўрганлигини, шундан кейин у унинг олдига буткасига кирган вақтида тахминан 05 дақиқа вақт ўтгандан кейин унга нотаниш бўлган кейинчалик билишича ███ улар ўтирган буткага кириб келганлигини, шундан кейин ███ таниши ███ га 10 дона полиетилендан ишланган сув ичиш учун мўлжалланган идиш беришлигини ва ушбу идишларини ишлаётган жойларига танишларига 10 дона мазкур сув идишларидан олиб кетишлигини айтганлигини, шу вақтда таниши ███ унга ўзига олишлигини ва улар ўзлари келишларини хамда 4 дона сув идишлар борлигини айтганлигини, кейин ███ хамкасбларига олиб кетишлигини айтганлигини, шундан кейин



улар ўтирган бутканинг эшигини қаттиқ ёпиб чиқиб кетганлигини, ортидан ташқарига чиққанлигини ва жахл қилмаслигини айтганлигини, кейин улар ўзаро гап таллашиб кетишганликлари, шу вақтда у уларни ажратганлиги ва тортишмаслигини айтганлигини, кейин “Сен қаердасан” деб айтган вақтида, Ўзбекистон Республикасидаман деб айтган вақтида “Сен ташқарига чиқсенг сўраволаман” деб айтганлигини, лекин ўша вақтда улар бир-бирлари билан уришмаганликлари ва тан жарохати етказмаганликлари, орадан тахминан 10-15 дақиқа вақт ўтиб, ўзининг иш жойига кетганлигини, орадан вақт ўтиб, тахминан соат 20:00ларда худудидан таниши билан биргаликда ётоқхонага бориш учун чиққан вақтларида, тахминан соат 20:00ларда унга таниш бўлган ва унга нортаниш бўлган тахминан 3-4 нафар боллар келишганликларини билганлигини, ўша вақтда тахминан 3-4 нафар фуқаролар таниши билан гаплашиб олишларини айтиб, четга тортганликлари, ўша вақтда улар оқ рангли Нексия-2 русумли автомашинадан тушиб, таниши ни олдига югуриб келишганлигини ва қўллари билан турли жойларига уриб тан жарохати етказишганлигини, ўша вақтда у уларни ажратмоқчи бўлган вақтида уни ҳам баданини турли жойларига қўллари билан уриб тан жарохати етказишганлигини, ўша вақтда уни ураётган вақтда унга урмасликни, бу учун жавоб беришини айтганини, лекин шунга қарамай ҳаракатларини тўхтатмаганини, шундан кейин у яқинда бўлган Миллий Гвардия ходимлари олдига югуриб борганлигини ва чақириб келган вақтида хали ҳам улар уришаётган бўлганини, кейин Миллий Гвардия ходимлари томонидан мазкур ҳолат видеотасвирга олганлигини ва ушбу йигитлар қочиб кетишганликлари, ўша вақтда уни бош қисмига қўллари билан ушбу боллар икки мартаба уриб тан жарохати етказишганлигини, ушбу болларни у кўрганлигини ва уларни юз тузилишлари бўйлари ва соқоллари ва ташқи кўринишларига қараб таниб олганлигини, ушбу у ва таниши тахминан 3-4 нафар боллар уриб оқ рангли Нексия-2 русумли автомашинада қочиб кетишганликларини, шундан кейин улар ИИБ ходимларига ариза билан мурожаат қилганлигини, кейин мазкур ҳолат юзасидан ИИБ ходимлари судга чиқаришганлигини ва шундан кейин Жиноят ишлари бўйича шаҳар судидан уларни тан жарохати олганлиги юзасидан ҳужжатлар Тергов бўлимига қонуний кўриб чиқиш учун юборилганлигини, тергов даврида у ерга бирга келган йигитлар эканлигини билганини, уларнинг барчаси тергов даврида унинг олдига бориб кечирим ўрашганини, даволаниш харажатларини қоплаб беришганини, шу



сабабли уларга нисбатан даъвоси йўқлигини, уларни жазодан озод қилишни сўрашини билдириб, кўрсатув берди.

Суд, давлат айбловчисининг хулосасини, судланувчилар, жабрланувчининг кўрсатмаларини тинглаб, иш ҳужжатларини таҳлил қилиб, судланувчилар [REDACTED] эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрорлигини билдириб, [REDACTED] қисман иқрор бўлган бўлсада, уларнинг айби суд мажлисида берилган кўрсатмалардан ташқари қуйидагилар,

- тушунтириш хатлари билан (и.в. 7-10,12,14-15)

- Судга оид тиббий экспертизанинг 2023 йил 23 декабрь кундаги № [REDACTED]-сонли хулосаси билан, унга кўра, У.Р.Аннаевнинг чап пешона соҳасида, юқори лаб шиллиқ қавати соҳасида қонталашлар, бурун камари ўнг ён томонида шилинма қандайдир ўтмас қаттиқ жисм ёки жисмлар таъсирида етказилган бўлиб, бу жароҳатнинг етказилган вақти тиббий ҳужжатга асосан тўғри келишлиги, ушбу тан жароҳати давомийлиги олти кундан ортиқ бўлмаган, озгина тез ўтиб кетувчи оқибатли белгисига кўра, оғирлик даражаси бўйича соғлиқни қисқа вақтга бузулишига сабаб бўлмаган енгил тан жароҳати сифатида баҳоланишлиги аниқланган (и.в. 31-32);

- Судга оид тиббий экспертизанинг 2023 йил 23 декабрь кундаги № [REDACTED]0-сонли хулосасига кўра, [REDACTED] номига берилган тиббий маълумотномада қўйилган “Чап юз соҳаси, чап чакка соҳаси юмшоқ тўқималари лат ейиши” ташхиси субектив бўлиб, объектив ва морфологик белгилари (қонталаш, шилинма, яра ва хокозолар) асосланмаганлиги туфайли тан жароҳатини баҳолашни имкони бўлмаганлиги аниқланган (и.в. 38-40).

- [REDACTED] 08.01.2024 йилда гумон қилинувчи тариқасидаги сўроқ баённомаси билан, унга кўра у ҳимоячи иштирокида сўроқ қилинганида иқрорлик кўрсатмалари бергани аниқланган (и.в. 67-70);

- жабрланувчининг кўрсатувларини ҳодиса жойида текшириш баённомаси ва унга илова қилинган фотожадвал билан (и.в. 94-103)

- юзлаштириш баённомалари билан (и.в. 105-114, 179-182)

- [REDACTED] 19.01.2024 йилда айбланувчи тариқасидаги сўроқ баённомаси билан, унга кўра ҳимоячи иштирокида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми билан эълон қилинган айбловга иқрорлигини билдириб, иқрорлик кўрсатмалари бергани аниқланган (и.в. 132-135);

- шахсни таниб олиш баённомаси ва унга илова қилинган фотожадвал билан (и.в. 140-155)

- жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар мажмуи билан тўлиқ исботланган деб ҳисоблайди.

Суд судланувчилар В [REDACTED]

[REDACTED] томонидан содир этилган жиноятнинг юридик



квалификациясини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан судланувчиларнинг жиноий ҳаракатлари “бир гуруҳ шахслар томонидан безорилик, яъни жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик, баданга енгил шикаст етказиш билан боғлиқ ҳолда содир этиш” аломатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “б” бандлари билан тўғри квалификация қилинган деб топади.

Суд, судланувчи [REDACTED] жазо тайинлашда қилмишидан пушаймонлигини, биринчи марта жиноят содир қилганини, етказилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф этилганини, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини Ўзбекистон Республикаси ЖК 55-моддасига мувофиқ жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар йўқ деб топгани ҳолда, унинг ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасида назарда тутилган жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи [REDACTED] жазо тури ва миқдорини танлашда Ўзбекистон Республикаси ЖК 7,8-моддаларида кўрсатиб ўтилган одиллик ва инсонпарварлик тамойилларидан келиб чиқиб, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори талабларига амал қилиб, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини, енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни, шунингдек жиноятда иштирок этганлик хусусияти ва даражасини инобатга олиб, унинг ҳаракатлари учун талқин этилаётган модда санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш жазоси тайинлашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 48¹-моддаси 3-қисмига кўра қўлланилаётган тақиқнинг (чеклашнинг) хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, суд маҳкумнинг зиммасига мазкур қисмда назарда тутилган қўшимча тақиқларни (чеклашларни) юклаши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган.

Суд [REDACTED] алкоғолли ичимликлар сотиладиган ва ичиладиган жойларда бўлиши, алкоғолли ичимликлар истеъмол қилиши, муқаддам содир этган қасддан баданга шикаст етказиш ёки безорилик билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортилган шахслар билан мулоқотда бўлиши унинг содир этган жиноятини яна содир этишига шароит яратишини инобатга олиб, унга алкоғолли ичимликлар сотиладиган ва истеъмол қилинадиган жойлар (кафе, бар, ресторан, тунги клуб)га бормаслик, алкоғолли ичимликлар истеъмол қилмаслик, муқаддам содир этган қасддан баданга шикаст етказиш ёки безорилик билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортилган шахслар билан мулоқотда бўлмаслик,



бундан ташқари [REDACTED] тайинланган жазони ўталишини таъминлаш, унинг янги жиноят ёки бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этишини олдини олиш мақсадида маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш ва иш жойини ўзгартирмаслик ҳамда [REDACTED] умани ва [REDACTED] ахри ҳудудидан ташқарига чиқмаслик кўшимча чеклашларини юклашни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 48¹-моддаси 4-қисмида суд озодликни чеклашга ҳукм қилинган шахснинг зиммасига ўзи етказган моддий ва маънавий зарарнинг ўрнини қоплаш, ишга ёки ўқишга жойлашиш мажбуриятларини, шунингдек унинг тузалишига кўмаклашувчи бошқа мажбуриятларни юклаши мумкинлиги белгиланган.

Шунга кўра суд [REDACTED] ҳеч қаерда ишламаслиги яна жиноят содир этишига олиб келиши мумкин деб ҳисоблаб, унга ишга кириш мажбуриятини юклашни лозим деб топади.

Суд, судланувчи [REDACTED] жазо тайинлашда қилмишидан пушаймонлигини, биринчи марта жиноят содир қилганини, етказилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф этилганини, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини Ўзбекистон Республикаси ЖК 55-моддасига мувофиқ жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар йўқ деб топгани ҳолда, унинг ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасида назарда тутилган жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи [REDACTED] жазо тури ва миқдорини танлашда Ўзбекистон Республикаси ЖК 7,8-моддаларида кўрсатиб ўтилган одиллик ва инсонпарварлик тамойилларидан келиб чиқиб, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори талабларига амал қилиб, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини, енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни, шунингдек жиноятда иштирок этганлик хусусияти ва даражасини инобатга олиб, унинг ҳаракатлари учун талқин этилаётган модда санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш жазоси тайинлашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 48¹-моддаси 3-қисмига кўра қўлланилаётган тақиқнинг (чеклашнинг) хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, суд маҳкумнинг зиммасига мазкур қисмда назарда тутилган кўшимча тақиқларни (чеклашларни) юклаши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган.

Суд [REDACTED] алкоғолли ичимликлар сотиладиган ва ичиладиган жойларда бўлиши, алкоғолли ичимликлар истеъмол қилиши, муқаддам содир этган қасддан баданга шикаст етказиш ёки



безорилик билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортилган шахслар билан мулоқотда бўлиши унинг содир этган жиноятини яна содир этишига шароит яратишини инobatга олиб, унга алкогольли ичимликлар сотиладиган ва истеъмол қилинадиган жойлар (кафе, бар, ресторан, тунги клуб)га бормаслик, алкогольли ичимликлар истеъмол қилмаслик, муқаддам содир этган қасддан баданга шикаст етказиш ёки безорилик билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортилган шахслар билан мулоқотда бўлмаслик, бундан ташқари [REDACTED] тайинланган жазони ўталишини таъминлаш, унинг янги жиноят ёки бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этишини олдини олиш мақсадида маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш ва иш жойини ўзгартирмаслик ҳамда [REDACTED] тумани ва [REDACTED] шаҳри худудидан ташқарига чиқмаслик қўшимча чеклашларини юклашни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 48¹-моддаси 4-қисмида суд озодликни чеклашга ҳукм қилинган шахснинг зиммасига ўзи етказган моддий ва маънавий зарарнинг ўрнини қоплаш, ишга ёки ўқишга жойлашиш мажбуриятларини, шунингдек унинг тузалишига кўмаклашувчи бошқа мажбуриятларни юклаши мумкинлиги белгиланган.

Шунга кўра суд [REDACTED] ҳеч қаерда ишламаслиги яна жиноят содир этишига олиб келиши мумкин деб ҳисоблаб, унга ишга кириш мажбуриятини юклашни лозим деб топади.

Суд, судланувчи [REDACTED] жазо тайинлашда қилмишидан пушаймонлигини, биринчи марта жиноят содир қилганини, етказилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф этилганини, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини Ўзбекистон Республикаси ЖК 55-моддасига мувофиқ жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар йўқ деб топгани ҳолда, унинг ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасида назарда тутилган жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи [REDACTED] жазо тури ва миқдорини танлашда Ўзбекистон Республикаси ЖК 7,8-моддаларида кўрсатиб ўтилган одиллик ва инсонпарварлик тамойилларидан келиб чиқиб, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори талабларига амал қилиб, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини, енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни, шунингдек жиноятда иштирок этганлик хусусияти ва даражасини инobatга олиб, унинг ҳаракатлари учун талқин этилаётган модда санкциясида назарда тутилган озодликни теклаш жазоси тайинлашни лозим топади.



Ўзбекистон Республикаси ЖК 48¹-моддаси 3-қисмига кўра қўлланилаётган тақиқнинг (чеклашнинг) хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, суд маҳкумнинг зиммасига мазкур қисмда назарда тутилган қўшимча тақиқларни (чеклашларни) юклаши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган.

Суд [REDACTED] алкоғолли ичимликлар сотиладиган ва ичиладиган жойларда бўлиши, алкоғолли ичимликлар истеъмол қилиши, муқаддам содир этган қасддан баданга шикаст етказиш ёки безорилик билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортилган шахслар билан мулоқотда бўлиши унинг содир этган жиноятини яна содир этишига шароит яратишини инобатга олиб, унга алкоғолли ичимликлар сотиладиган ва истеъмол қилинадиган жойлар (кафе, бар, ресторан, тунги клуб)га бормаслик, алкоғолли ичимликлар истеъмол қилмаслик, муқаддам содир этган қасддан баданга шикаст етказиш ёки безорилик билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортилган шахслар билан мулоқотда бўлмаслик, бундан ташқари [REDACTED] тайинланган жазони ўталишини таъминлаш, унинг янги жиноят ёки бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этишини олдини олиш мақсадида маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш ва иш жойини ўзгартирмаслик ҳамда [REDACTED] тумани ва [REDACTED] шаҳри ҳудудидан ташқарига чиқмаслик қўшимча чеклашларини юклашни лозим деб топади.

Суд, судланувчи [REDACTED] жазо тайинлашда қилмишидан пушаймонлигини, биринчи марта жиноят содир қилганини, етказилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф этилганини, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини Ўзбекистон Республикаси ЖК 55-моддасига мувофиқ жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар йўқ деб топгани ҳолда, унинг ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасида назарда тутилган жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи [REDACTED] жазо тури ва миқдорини танлашда Ўзбекистон Республикаси ЖК 7,8-моддаларида кўрсатиб ўтилган одиллик ва инсонпарварлик тамойилларидан келиб чиқиб, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори талабларига амал қилиб, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини, енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни, шунингдек жиноятда иштирок этганлик хусусияти ва даражасини инобатга олиб, унинг ҳаракатлари учун талқин этилаётган модда санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш жазоси тайинлашни лозим топади.



Ўзбекистон Республикаси ЖК 48¹-моддаси 3-қисмига кўра қўлланилаётган тақиқнинг (чеклашнинг) хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, суд маҳкумнинг зиммасига мазкур қисмда назарда тутилган қўшимча тақиқларни (чеклашларни) юклаши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган.

Суд [REDACTED] алкогольли ичимликлар сотиладиган ва ичиладиган жойларда бўлиши, алкогольли ичимликлар истеъмол қилиши, муқаддам содир этган қасддан баданга шикаст етказиш ёки безорилик билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортилган шахслар билан мулоқотда бўлиши унинг содир этган жиноятини яна содир этишига шароит яратишини инobatга олиб, унга алкогольли ичимликлар сотиладиган ва истеъмол қилинадиган жойлар (кафе, бар, ресторан, тунги клуб)га бормаслик, алкогольли ичимликлар истеъмол қилмаслик, муқаддам содир этган қасддан баданга шикаст етказиш ёки безорилик билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортилган шахслар билан мулоқотда бўлмаслик, бундан ташқари [REDACTED] тайинланган жазони ўталишини таъминлаш, унинг янги жиноят ёки бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этишини олдини олиш мақсадида маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш ва иш жойини ўзгартирмаслик ҳамда [REDACTED] тумани ва [REDACTED] шаҳри ҳудудидан ташқарига чиқмаслик қўшимча чеклашларини юклашни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 48¹-моддаси 4-қисмида суд озодликни чеклашга ҳукм қилинган шахснинг зиммасига ўзи етказган моддий ва маънавий зарарнинг ўрнини қоплаш, ишга ёки ўқишга жойлашиш мажбуриятларини, шунингдек унинг тузалишига кўмаклашувчи бошқа мажбуриятларни юклаши мумкинлиги белгиланган.

Шунга кўра суд [REDACTED] ҳеч қаерда ишламаслиги яна жиноят содир этишига олиб келиши мумкин деб ҳисоблаб, унга ишга кириш мажбуриятини юклашни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси 454-457, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин ва унга ушбу модда билан 2 (икки) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Жазони ўташ жойи этиб унинг яшаш жойи [REDACTED] вилояти, [REDACTED] тумани, [REDACTED] МФЙ, [REDACTED] кўчаси 24-уй белгилансин.



нинг тунги вақтда, яъни соат 22:00дан 06:00гача бўлган вақт оралиғида яшаш жойидан чиқиши чеклансин.

зиммасига:

- алкоғолли ичимликларни истеъмол қилмаслик;
- муқаддам содир этган қасддан баданга шикаст етказиш ёки безорилик билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортилган шахслар билан мулоқотда бўлмаслик;

- алкоғолли ичимлик истеъмол қилинадиган ва сотиладиган жойларга бормаслик;

- маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик ҳамда шаҳри тумани ҳудудидан ташқарига чиқмаслик қўшимча чеклашлар юклатилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач 2 ой ичида ишга жойлашиш мажбурияти юклатилсин.

Жазо ижросини назорат қилиш унинг яшаш жойи бўйича ички ишлар бўлими зиммасига юклатилсин.

Жазони ўташ муддати маҳкум жазоларни ижро этиш органида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва томонидан гаров учун топширган 7.000.000 (етти миллион) сўм пуллар уни ўзига қайтарилсин.

озодликни чеклашга ҳукм қилинган шахс жазони ўташ даврида ўзининг жиноий қилмишларини англаб етган, тузалиш йўлига қатъий ўтган, етказилган моддий ва маънавий зарарнинг ўрнини қоплаган бўлса, суд тайинланган тақиқларни (чеклашларни) тўлиқ ёки қисман бекор қилиши мумкинлиги;

озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан унинг зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкинлиги тушунтирилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин ва унга ушбу модда билан 1 (бир) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Жазони ўташ жойи этиб унинг яшаш жойи вилояти, тумани, МФЙ, рақамсиз уй белгилансин.

нинг тунги вақтда, яъни соат 22:00дан 06:00гача бўлган вақт оралиғида яшаш жойидан чиқиши чеклансин.

- алкоғолли ичимликларни истеъмол қилмаслик;



- муқаддам содир этган қасддан баданга шикаст етказиш ёки безорилик билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортилган шахслар билан мулоқотда бўлмаслик;

- алкогольли ичимлик истеъмол қилинадиган ва сотиладиган жойларга бормаслик;

- маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик ҳамда [REDACTED] шаҳри ва [REDACTED] тумани ҳудудидан ташқарига чиқмаслик қўшимча чеклашлар юклатилсин.

Ҳуқм қонуний кучга киргач 2 ой ичида ишга жойлашиш мажбурияти юклатилсин.

Жазо ижросини назорат қилиш унинг яшаш жойи бўйича ички ишлар бўлими зиммасига юклатилсин.

Жазони ўташ муддати маҳкум жазоларни ижро этиш органида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳуқм қонуний кучга кирганидан сўнг [REDACTED] га нисбатан қўлланилган шахсий кафиллик эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

[REDACTED] озодликни чеклашга ҳуқм қилинган шахс жазони ўташ даврида ўзининг жиноий қилмишларини англаб етган, тузалиш йўлига қатъий ўтган, етказилган моддий ва маънавий зарарнинг ўрнини қоплаган бўлса, суд тайинланган тақиқларни (чеклашларни) тўлиқ ёки қисман бекор қилиши мумкинлиги;

озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан унинг зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкинлиги тушунтирилсин.

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин ва унга ушбу модда билан 1 (бир) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Жазони ўташ жойи этиб унинг яшаш жойи [REDACTED] вилояти, [REDACTED] тумани, [REDACTED] МФЙ, [REDACTED] кўчаси [REDACTED]-уй белгилансин.

[REDACTED] нинг тунги вақтда, яъни соат 22:00дан 06:00гача бўлган вақт оралиғида яшаш жойидан чиқиши чеклансин.

[REDACTED] нинг зиммасига:

- алкогольли ичимликларни истеъмол қилмаслик;

- муқаддам содир этган қасддан баданга шикаст етказиш ёки безорилик билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортилган шахслар билан мулоқотда бўлмаслик;

- алкогольли ичимлик истеъмол қилинадиган ва сотиладиган жойларга бормаслик;



- маҳқумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик ҳамда [REDACTED] шаҳри ва [REDACTED] тумани худудидан ташқарига чиқмаслик қўшимча чеклашлар юклатилсин.

Жазо ижросини назорат қилиш унинг яшаш жойи бўйича ички ишлар бўлими зиммасига юклатилсин.

Жазони ўташ муддати маҳқум жазоларни ижро этиш органида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг [REDACTED] нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва [REDACTED] [REDACTED] томонидан гаров учун топширган 7.000.000 (етти миллион) сўм пуллар уни ўзига қайтарилсин.

[REDACTED] озодликни чеклашга ҳукм қилинган шахс жазони ўташ даврида ўзининг жиноий қилмишларини англаб етган, тузалиш йўлига қатъий ўтган, етказилган моддий ва маънавий зарарнинг ўрнини қоплаган бўлса, суд тайинланган тақиқларни (чеклашларни) тўлиқ ёки қисман бекор қилиши мумкинлиги;

озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан унинг зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкинлиги тушунтирилсин.

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин ва унга ушбу модда билан 1 (бир) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Жазони ўташ жойи этиб унинг яшаш жойи [REDACTED] вилояти, [REDACTED] тумани, [REDACTED] МФЙ, [REDACTED] кўчаси [REDACTED]-уй белгилансин.

[REDACTED]нинг тунги вақтда, яъни соат 22:00дан 06:00гача бўлган вақт оралиғида яшаш жойидан чиқиши чеклансин.

[REDACTED]нинг зиммасига:

- алкоғолли ичимликларни истеъмол қилмаслик;
- муқаддам содир этган қасдан баданга шикаст етказиш ёки безорилик билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортилган шахслар билан мулоқотда бўлмаслик;
- алкоғолли ичимлик истеъмол қилинадиган ва сотиладиган жойларга бормаслик;

- маҳқумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик ҳамда [REDACTED] шаҳри ва [REDACTED] тумани худудидан ташқарига чиқмаслик қўшимча чеклашлар юклатилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач 2 ой ичида ишга жойлашиш мажбурияти юклатилсин.

Жазо ижросини назорат қилиш унинг яшаш жойи бўйича ички ишлар бўлими зиммасига юклатилсин.



Жазони ўташ муддати маҳқум жазоларни ижро этиш органида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг [REDACTED] га нисбатан қўлланилган шахсий кафиллик эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

[REDACTED] га озодликни чеклашга ҳукм қилинган шахс жазони ўташ даврида ўзининг жиноий қилмишларини англаб етган, тузалиш йўлига қатъий ўтган, етказилган моддий ва маънавий зарарнинг ўрнини қоплаган бўлса, суд тайинланган тақиқларни (чеклашларни) тўлиқ ёки қисман бекор қилиши мумкинлиги;

озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан унинг зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкинлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози томон ҳукм эълон қилинган кундан сўнг 20 сутка муддат ичида, судланган шахс ва жабрланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб шу муддат ичида шу суд орқали [REDACTED] вилояти судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясига апелляция шикояти ёки апелляция протести келтириш ҳуқуқига эгадирлар.

Раислик қилувчи:

[REDACTED]

